Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 3 сентябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. № 68 (6964)

Da'vat

Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак.

Ислом КАРИМОВ.

Ibrat

Қутлуғ байрам арафасида Томди тумани ҳокимлиги ўз ҳудудидаги 150 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига бир сидра кийим-кечак ҳадя этди.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Дўстлар!

Барчангизни биз учун энг улуғ, энг азиз айём — Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қутлуғ олти йиллиги байрами билан чин қалбимдан табриклайман!

Мустақиллик биз учун тарихий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, миллий анъаналаримизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, ҳаётимизни эски ҳукмрон мафкура ва мустабид тузум асоратларидан халос этиш имконини бергани билан қадрлидир.

Мустақиллик тақдиримизни ўз қўлимизга олиш, бунёдкор халқимизнинг куч-қудратидан, Ўзбекистон аталмиш бетакрор ва саховатли заминнинг улкан салоҳиятидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш учун, муқаддас Ватанимизга бутун борлиғимизни бахш этиш учун, миллатимиз ва давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши учун шарт-шароит яратгани билан азиздир.

Шу боис буюк аждодларимизнинг, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган отаболаримизнинг асрий орзулари ушалган кун — Мустақиллик айёми халқимизнинг энг муборак байрамидир.

Муҳтарам дўстлар!

Азизлар!

Мана ҳаётбахш озодликка эришганимизга ҳам олти йил тўлмоқда. Бу йиллар миллий давлатчилигимизни тиклаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрў қозониши даври бўлди.

Бу йиллар янги ҳаётнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий пойдеворини қуриш, халқимизнинг оғирини енгил қилиш мақсадида, эркин ва фаровон турмуш қуриш мақсадида дадил қадамлар қўйиш даври бўлди.

Бу йиллар юртимизда тинчлик ва осудаликни, миллатлараро аҳиллик ва ижтимоий тотувликни, ўзаро меҳру оқибатни қарор топтириш ва Оллоҳнинг ўзи бизга инъом этган бу ноёб неъматларни қадрлаш ва эъзозлаш даври бўлди.

Азиз юртдошлар!

Ютуқларимиз ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Лекин шу билан бирга бугун ечилмаган муаммолар, биз ҳали эришолмаган марралар ҳақида гапириш жоиздир. Ёшу қари фуқароларимизни ҳар томонлама рози қилиш заруратини, бажарган ишларимиздан кўра бажаришимиз керак бўлган юмушларимиз кўпроқ эканини ҳам очиқ тан оламиз.

Инсоннинг эҳтиёж ва манфаатлари чексиздир. Унинг руҳида мавжуд шароитдан қониқмаслик, эртанги кунни янада ёруғ, дунёни янада мукаммал кўриш истаги бор. Аслида ана шу истак ва интилиш жамият тараққиётининг асосидир.

Шунинг учун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, 1997 йил — Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани сабаби ҳам, мақсади ҳам ҳар бир юртдошимизнинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашга қаратилгани табиийдир.

Қадрли ватандошлар!

Мустақиллигимизнинг биринчи йили туғилган фарзандларимиз бу йил мактабга боради. Таъбир жоиз бўлса, ўша йили эккан ниҳолларимиз мевага кира бошлади. Шукрки, ана шу ниҳол фарзандларимизни — Истиқлолимизни хатарли йиллардан, оғир синовлардан омон олиб ўтдик.

Ватанимизни, ундаги тинчлик ва осойишталикни ёмон кўзлардан асрай олдик. Энг муҳими, мустақиллик бизнинг ор-номусимизга, фахру ғуруримизга, виждон ва иймонимизга айланди.

Шу йиллар мобайнида она-Ватан тушунчаси, ҳуррият ва демократия ғоялари, истиқлол қадрини англаш туйғулари ватандошларимиз қалбидан теран жой олди. Бугун, мен Ватаним учун, уни озод ва обод этиш учун нима иш қилдим, деган ақида билан яшайдиганларнинг сони, сафи тобора кўпаймоқда.

Инсон руҳи абадий яшайди, дейдилар. Бугун шаҳру қишлоқларимиз кундан-кунга гўзаллашмоқда, тараққиётимизнинг омили бўлмиш янги иншоотлар, корхоналар, муҳташам бинолар, равон йўллар қурилмоқда. Ўзимизда ишлаб чиқарилган машиналар, жиҳозу ускуналар, истеъмол моллари кўзларимизни қувонтирмоқда. Эртанги фаровон ҳаётимизга ишончимизни кучайтирмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Ўтган олти йил Ўзбекистон танлаб олган тараққиёт йўли тўғри эканини тасдиқлади. Буни ҳар кунги ҳаётимизда ҳис этиб турибмиз.

Ўзбекистон дунёга юз очди. Бизни бутун дунё таниди ва эътироф этди. Ўзимиз, ўз қўлимиз билан қурган мустақил давлатчилик пойдевори узра Ўзбекистон деб аталган юксак ва кўркам бино қад кўтармоқда. Унинг илк ғиштини қўйганлардан, келажак авлод истиқболи деб яшаган ва меҳнат қилаётганлардан Яратганимиз ҳам, халқимиз ҳам рози бўлгай, иншоолоҳ.

Азиз юртдошлар!

Мана шу йўлдаги фидокорона саъй-ҳаракатларингиз, самарали, сермазмун меҳнатингиз учун барчангизга, бағри кенг, мард ва танти халқимизга мана шу юксак минбардан туриб таъзим қиламан. Бугунги қутлуғ дамлар, Мустақиллик байрамимиз билан яна бир бор ҳаммангизни муборакбод этаман.

Илоё, мустақиллик дарахтимиз, қураётган, барпо этаётган ягона уйимиз абадий яшасин!

Илоё, Ватанимизни ёмон кўзлардан асрасин!

Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўрмоқ бахти барчамизга, ҳаммамизга насиб этсин!

ҲАММА ҚУВНАГАН КУН

Истиқлол ... Бу сўз замирида мустабидлик кишанларидан озод бўлган элнинг фахри ётади, ғурури ётади. Асрий орзулари ушалган бу эл бу кун истиқлолнинг 6 йиллигини нишонламоқда. Бу кун озод юрт фарзандлари юзида қувонч. Юртимизнинг ҳар бурчида мустақиллик айёми ўзгача нишонланмоқда. Пойтахтнинг Мустақиллик майдони дея аталмиш бош майдонда ҳам байрам тантаналари ғоят кўтаринки руҳда давом этмоқда.

СУРАТЛАРДА: Мустақиллик майдонида давом этаётган қутлуғ байрам тантаналари.

● Ўзбекистон истиқлолининг олти йиллик байрами муносабати билан мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов номига бир қатор мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан табрик мактублари келмоқда, жумладан БМТ Бош котиби Кофи Аннан ва АҚШ Президенти Уильям Ж. Клинтондан ҳам табрик хати келди.

● Президент Ислом Каримов Мустақиллик байрами арафасида қурилиши якунланган Тошкентдаги янги ҳайвонот боғини кўздан кечирди ҳамда бу ерда қилиниши лозим бўлган галдаги ишлар хусусида тавсиялар берди.

JUMLADA JAHON

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларига «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилди.

● Арнасой туманидаги «Олтин водий» деҳқон хўжаликлари уюшмасида қурувчилар чўлқуварлар ниятини ижобат айлаб, янги теннис кортини фойдаланишга топширишди.

● Мустақиллик шодиёналарига Марғилонда яна бир байрам қувончлари қўшилиб кетди. Шаҳардаги маҳалла ҳунармандлари ўзлари яратган маҳсулотларнинг танловини ўтказишди, унда «Йўрмадўз» маҳалласи 27 хил маҳсулот билан иштирок этиб ғолиб деб топилди.

● Пахтакор туманидаги 15-ўрта мактаб жамоаси Билимлар кунини янги кошонада кутиб олишди — қурувчилар келажагимиз эгаларига 190 ўринли янги илм даргоҳи биносини Мустақиллик байрамига совға сифатида тортиқ этишди.

ХАЛҚАРО МУСИҚА АНЖУМАНИ ЯКУНЛАНДИ

Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган ва қадимий Самарқандда бир ҳафта давом этган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ниҳоясига етди. Шу кунлар мобайнида Регистон майдонида, шаҳар бўйлаб ташкил этилган саҳналарда Шарқ мусиқа санъатининг ноёб намуналари минглаб санъат мухлислари қалбини ром этди. Фестиваль танловига тақдим этилган куй ва қўшиқларни минг-минглаб самарқандликлар, санъат мухлислари қизгин олқишлаб турди. Япония, Корея, Миср, Ҳиндистон, Таиланд, Покистон, Индонезия, АҚШ, Юнонистон, Малайзия, Озарбайжон каби ўттиздан зиёд мамлакат вакиллари ҳам шаклан, ҳам мазмунан рангбаранг тароналар ижро этсалар-да, уларнинг ҳар бирида чин инсоний меҳр-муҳаббат туйғулари акс этиб турди. Зеро, мусиқа ҳам ҳар қандай санъат асари каби миллат танламайди, у ўз моҳият-эътибори билан умумбашариятга хизмат қилади.

Самарқанд юраги — Регистон майдони 1 сентябрь куни фестиваль қатнашчилари, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, мусиқа ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Бу ерда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Анжуман ғолиблари ва совриндорлари эълон қилинди.

(Давоми 4-бетда).

ТАРИХДА ҚОЛАДИГАН ВОҚЕА

Ўтган сонимизда «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» сарлавҳасида бир нутқ ўқидингиз. Бир нутқки, битта, иккита... юзта муносабат билдирилса-да, унинг мазмунини қамраб олиш мушкул. Бир нутқки, тарихда қоладиган Олий Мажлис сессиясида янгради... Ўзбекистон таълимининг келажаги ҳақида Президент таҳлили... «Таълим тўғрисида»ги янги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»га асосан, янгича, янги йўналишдаги режалар, масъулиятли, шарафли вазифалар... Масъулиятлилиги ҳам, шарафлилиги ҳам шундаки, унинг моҳиятида келажак авлод, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистоннинг келажаги ҳақида қайғуриш, аҳолига ғамхўрлик ётади.

Демак, Ўзбекистон таълими беш қисмдан иборат: 1. Мактабгача тарбия (3 ёшдан 6—7 ёшгача). 2. Бошланғич таълим (1—4-синфлар. Ўқиш 6—7 ёшдан бошланади). 3. Умумий таълим (5—9-синфлар). 4. Ўрта махсус билим ва касб-ҳунар таълими. Ўқиш муддати 3 йилдан кам бўлмаган академик ва касб-ҳунар лицейлари ва коллежлари. 5. Олий мутахассислик таълими. У бакалаврлик (4 йил) ва магистратурага (2 йил) бўлинади. Якунловчи босқич аспирантура (3 йил) ва докторантура (3 йил) ҳисобланади. Булардан ташқари Президент ўз нутқида «янги тизимда қўшимча касбий таълим — қайта тайёрлаш ва малака ошириш масаласига ҳам катта эътибор берилиши керак»лигини алоҳида таъкидлади.

Энг асосий ва зарур янгилик. Эски тизим бўйича 9-синфни битиргач, болаларимизнинг асосий қисми касбсиз кўчада қолиб кетаётган эди. Жамият учун кераксиз кишилар тайёрланаётган эди. Янги тизимда унинг олди олинадиган бўлди. Унда ўқиш ихтиёрий-мажбурий бўлади. Ихтиёрий деганда касб ёки йўналиш танлаш тушунилса, мажбурийлик бу ўсмирнинг ўқиши Қонун билан кафолатланганлигини кўрсатади. Ҳеч ким, ҳатто ота-она ҳам фарзандининг ўқишига монелик қилолмайди. Аксинча, ота-она фарзандининг ўқишига шароит яратмоғи лозим бўлади.

Янги таълим тизимига 3 босқичда ўтилади. Унинг биринчи босқичи бугундан бошланган йиллик таълим (ўрта махсус ва касб-ҳунар билим юртлари, касб коллежи ва академик лицей) тизимига замин тайёрлаш, узлуксиз таълим-тарбия тизимига асос соладиган тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий ҳизмат кўрсатиш, ишлаб қолиш, унинг ривожланиши учун ҳуқуқий-меъёрий, илмий методик, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш лозим. Бу босқичда асосан қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

Миллий дастурни амалга оширишнинг бошланиши: янги талабларга жавоб бера оладиган педагог кадрларни тайёрлаш, ўқув стандартларини яратиш ва янги ўқув программалари устида ишлаш, умумтаълим мактабларини тузилиш жиҳатидан қайта қуриш, уч вазифаларга киради. Бу ҳақда нутқда шундай дейилади: «Биринчи босқич — ўтиш даври бўлиб, у 1997 — 2001 йилларда, яъни тўрт йил давомида жорий этилади. Бунда кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини сақлаб қолиш, унинг ривожланиши учун ҳуқуқий-меъёрий, илмий методик, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш лозим. Бу босқичда асосан қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

Munosabat

мояни кафолатлаш каби масалаларни ечиш босқичи».

Қолган босқичларга алоҳида тўхталармиз. Бироқ бугуннинг вазифалари юқорида келтирилган кўчирмадан маълум. Хўш, бу ишларни кимлар, қандай қилиб амалга оширадилар ва ҳоказо шу каби қатор саволларга жавоб излаш, ишнинг боришини таҳлил қилиш, фикрлар йиғиш, жамоатчиликка етказиш газетамизнинг ҳам вазифасига киради.

Ўзбекистон маорифчилари олдига масъулиятли ҳамда шарафли вазифа қўйилди. Иншоолоҳ, ишнинг бошланиши ёмон эмас. Юртимиз тинч. Иқтисодий жиҳатдан кўтарилишимизни барча тан оляпти. Япония ҳам 1910 йилларда ўз тараққиётини таълим ислоҳидан бошлаган. Бизнинг японлардан нимамиз кам?

Янги таълим тизимимиз натижаси дунё халқларининг Ўзбекистонни аҳён-аҳёнда эмас, доимий тилга олиб юришларига сабаб бўлажак.

Ҳалим САЙЙИД.

МУБОРАК АЙЁМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мустақиллик айёми юртимизда кенг нишонланмоқда. Низомий номидаги ТошДПИда ҳам Мустақилликнинг 6 йиллиги ва янги ўқув йилига бағишланган байрам тадбири ўтказилди. Тадбирда домла ва профессорлар ҳамда бошқа меҳмонлар иштирок этишди. Байрамга ташриф буюрган санъаткорлар дилрабо қўйқўшиқлари билан йиғилганларга хизмат қилишди. Унда сўзга чиққан институт ректори Б. Қодиров барчани Мустақилликнинг 6 йиллиги билан ҳамда янги ўқув йили муносабати билан муборакбод этди.

Х. АБДУРАҲМОНОВ.

БИРИНЧИ ДАРС — МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ

Бугун мамлакатимизнинг барча мактабларида шодиёналар давом этмоқда. Куни кеча Тошкент шаҳридаги 70-ўрта мактабда ҳам 1 сентябрь — Билимлар кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тантанани мактаб директори Маъруфа Аҳмаджонова очди. Тадбирда зиё масканининг собиқ битирувчилари, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар ҳам иштирок этишди. Айниқса, 1-синфга қабул қилинган жажжи ўғил-қизлар ижросидаги дилрабо қўшиқ ва рақслар ташриф буюрганларнинг кўнглини хушнуд этди. Анъанага кўра, илм даргоҳларида илк сабоқлар Мустақиллик дарслари билан бошланди. Жонкуяр ўқитувчи Зулхумор Ражабова ўзининг илк сабоғини 5-синф ўқувчилари билан ўтказди.

СУРАТЛАРДА: муаллима Нигора Шокирова 1-синф ўқувчиларини қучоқ очиб кутиб олаяпти. Ўқитувчи З. Ражабова 5-синф ўғил-қизларига Мустақиллик дарсини ўтаётир.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.



Xushxabar

ОЛТИН НИШОН МУБОРАК!

Она юрт, унинг фарзандлари ҳақида хушхабар эшитиш ҳам киши юрагига ҳароратли туйғулар олиб киради. Айниқса, бундай воқеалар байрам арафасида бўлса, ўша ҳароратбахш туйғунинг ёнига фахр-ифтихор ҳислари ҳам қўшилади.

Қуйида ўзбекистонлик ўқувчиларнинг муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қиламиз. Суҳбатдошимиз — Республика таълим маркази директори муовини, физика-математика фанлари номзоди, доцент Нарзиқул Турдиев.

— Нарзиқул ака, сиз ёш физикларимизни Туркияга олиб бордингиз. Бундан кўзланган мақсад нима эди?

— Туркиянинг Бурса шаҳрида мактаб ўқувчиларининг 1-Евроосиё олимпиадасига ўзбекистонликлар ҳам таклиф этилган эди. 10—11-синф физика фанига қўшимча равишда тайёрланиш ниятида эдик. Бундан ташқари, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва таълим соҳасини ривожлантириш ҳам кўзда тутилган. Аслида Ўзбекистон ва Туркия давлатларининг ўзаро ҳамкорлигида ташкил этилган лицей ўқувчилари орасидан энг саралари ушбу олимпиадага йўлланма олишди.

— Улар кимлар?

— Нукуслик Алишер Сийнатуллаев, наманганлик Ориф Мелибоев, жиззахлик Раҳим Абдубоқиевлар ўз тенгқурлари орасида билимдон ва зукко деб тан олинди. Уларнинг барчаси 9-синф ўқувчиларидир.

— Олимпиадага нечта давлатдан боришди ва қайси тилда ўтказилди?

— 15 та мамлакатдан. Ҳар биридан бизга ўхшаб 3 нафар ўқувчи иштирок этди. Олимпиада инглиз тилида ўтказилди. Ўқувчиларимиз тил масаласида мутлақо қийналишмади.

— Уни ўтказиш тартиби қандай бўлди?

— Икки турда ўтказилди. Биринчиси назарий босқич бўлиб, унда ечилиши қийин бўлган 15 та масала иштирокчиларга ҳавола этилди ва у алоҳида якунланди. Иккинчиси эса амалий машғулот шаклида бўлди. Яъни ҳар бирида 4 тадан топшириғи бўлган иккита лаборатория ишини ёш физиклар бажаришлари керак эди. Ҳар икки турдаги топшириқларни уддалашда даъвогарларимиз бўш келишгани йўқ.

— Натижаларга аниқроқ тўхталсангиз?

— Уччала ўқувчимиз ҳам умумий якун бўйича 3 та олтин медаль билан тақдирланишди. 1 та кумуш, 1 та бронза ва 1 та рағбатлантирувчи нишонларни қўлга киритгач, сафаримиз зое кетмаганини ҳис қилдик. Шахсий биринчиликда эса бир йўла 3 та олтин медалга сазовор бўлган нукуслик Алишержонни қайта-қайта табрикладик. Бундай натижани кутмагандик, ахир. Қувончдан ўзимизни қўярга жой тополмай қолдик.

— Умумий натижа бўйича Ўзбекистон нечанчи ўринни эгаллади?

— Тўртинчи ўрин бизники бўлди. 15 та давлат орасида бу натижа чакки эмас.

— Албатта. Голибларга устозлик қилганлар ҳақида нима дейсиз?

— Ўқувчиларимизга туркиялик ўқитувчилар устозлик қилишди. Айниқса, Алишерни ўз раҳнамолигига олган Зикриё Юксалнинг беқиёс хизматини таъкидлаб ўтиш керак. У ўзбек-турк лицейининг истеъдодли, янгилик яратиб толмайдиган мураббийларидан.

— Муваффақиятлар билан сизни ҳам қутлаймиз. Галдаги олимпиадада ҳам юртдошларимизга омад кулиб боқаверсин.

Суҳбатни Ҳулкар ТЎЙМАНОВА ёзиб олди.

Болаларнинг нигоҳи зийрак. Уларнинг вужудида Улғайиш яшайди.

Демак, уларнинг ҳар нарсани билишга қизиқувчан онгларига инсоният улуғлайдиган жамики қадриятларни сингдириб бориш керак. Мустақилликка эришган Ўзбекистон. Фарзандлари билимдон, зукко, соғлом, бақувват юртнинг келажаги нурафшон. Тинчликни, она заминимизда ҳаётнинг бир маромда кечишини таъминлаш учун мактаб ҳам бош қўшиши керак.

Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳридаги 15-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Сурайёхон Фозиловага ҳамиша ана шу тушунчалар ҳамроҳ. Унинг куни кеча ўтказган Мустақиллик дарси Ўзбекистон, унинг халқи ҳақида бўлди.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

«ЛЕГО» ҲАДЯ ЭТИШДИ

Sahovat

Совға-салом хурсандчиликдир. Кимдир беради, кимдир олади. Совға-саломнинг миннат туйғусидан ҳоли эканлиги унинг қадрини яна бир карра оширади.

Соғлиғида нуқсони бўлган болаларга нимадир инъом этиш эса савоблар ичра савобдир.

Мактабимизда эшитиш қобилияти суст 300 нафар бола тарбияланади. Биномиз мослаштирилган, типовой эмас. Аммо ана шу камтарона бино ичидаги синфхоналарда келажакка умид ва ишонч билан қараётган ўғил-қизлар ўқишади.

12 август куни мактабимиз жамоаси учун унутилмасдир. Чунки ўша куни ўқувчиларимизга Англиядан юборилган конток, «Лего» конструктор ўйинчоқлари ҳадя этилди. Уларнинг суюнишларини кўрсангиз эди...

Ўша куни мактабимизда республика кар болалар махсус мактаби ўқитувчиларининг август кенгаши чақирилган эди. Кенгаш ўз йўлига, унда қилинган ишлар билан бирга галдаги режаларга назар солинди.

Биз учун қувонарлиси спорт анжомлари бўлди. Айтишларича, бизга берилган чарм конток-ларнинг ҳар бирининг нархи бизнинг пулда 1000 сўм атрофида экан. «Лего» эса болаларга эрмак эмас, балки турли шакллар яратишларида қўл келмоқда.

Хайринисо СОЛИЕВА, Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 46-махсус мактаб илмий бўлим мудири.

INTERNET

ИНСОНИЯТ БЎЙИ

АҚШнинг Огайо штатилик олим Ричард Штекелнинг изланишларига кўра, сўнгги 150 йил ичида ҳаёт шароитининг яхшиланиб бориши натижасида инсон бўйи 20 сантиметрга узайди. Бироқ бу ривожланган давлатларга тааллуқли экан. Ер юзининг аксарият минтақаларидаги экологик аҳволнинг бузилиши, олим фикрича, бўйнинг пасайишига олиб келмоқда. Бу эса ҳатто Америкининг айрим шаҳарларига ҳам тегишли бўлиб чиқди.

УМИДЛИ БАШОРАТ

Вашингтон илмий тадқиқот марказларидан бирининг мутахассислари ўтказган изланишларга қараганда, бугунги кунда Ер шари аҳолиси орасида сигарет чекиш нисбатан камайган. Олимлар фикрича, янаги минг йилликда тамакидан инсоният онгли равишда қўл тортади, бироқ бу умуминсоний ғалабанинг 2100 йилдан эртароқ бўлиши кутилмайди. Ҳар ҳолда яхши ният ярим мол...

ТАРИХДАН МИСОЛ

Австралиянинг ғарбидан топилган инсон суяк жағларини ўрганган олима Хамуэра Сентелек бу одам кариес касаллигини билмаган деган хулосага келди. Сабаби, 3 минг йил олдин тахминан 60-70 ёшларида ўлган одамнинг тишлари чақалоқникидек бут-бутун ва топ-тоза. Бундай саломатликни биологлар тартибли ва нозик дид билан овқатланиш шарофати деб изоҳладилар. Во ажаб!



ШОФИРКОНДАН АРГЕНТИНАГАЧА

Яқинда Аргентинанинг Мар Дел Плата шаҳрида бўлиб ўтган 38-халқаро математика олимпиадаси ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Унда мустақиллигимиз тарихида биринчи маротаба мамлакатимизнинг уч нафар истеъдодли ўсмирлари ҳам иштирок этишди. Ўзбекистон жамоаси олимпиадада 23 балл билан норасмий рўйхат бўйича 82 та давлат орасида 66-ўринни эгаллади. Биз Бухорода бўлганимизда мамлакатимизга икки фахрий ёрлиқ билан қайтган олимпиада иштирокчиларидан бири, шофирконлик Одилжон Султонов билан суҳбатлашдик.

— Одилжон, аввало, ўзингиз ва оилангиз тўғрисида гапирсангиз?

— Мен бу йил Шофиркон тумани А. Навоий номидаги 128-лицейнинг 11-синфини тамомладим. Отам Эшонқул Султонов шу лицейнинг математика фани ўқитувчиси, мени математикага қизиқтирган биринчи устозим. Онам Барно Боймуродова физика фани ўқитувчисилар. Акаларимнинг бири Тошкент давлат алоқа институтида, яна бири эса Тошкент давлат транспорт институтида таҳсил олмоқда. Синглим ва укам ҳозир 128-лицей ўқувчиси.

— Халқимизда «Оққан дарё оқаверади» деган ҳикмат бор. Эшитишимга қараганда Бухородан бундан йигирма йил олдин Руслан Шарипов математика фани бўйича жаҳон олимпиадаси ғолиби бўлган экан. Умуман, сизни олимпиадаларга муносабатингиз қандай? Қолаверса, Мар Дел Плата таассуротлари билан ўртоқлашсангиз.

— Ҳали у пайтлар 9-синфда ўқиб юрардим. Ўшанда «Компьютер шоу» республика телеўйинида иштирок этганман. Олимпиадаларга тез-тез қатнашиб туриш керак. Улар киши билимини мустаҳкамлаб, ўзига нисбатан ишонч ҳиссини оширади. Лицейда устозимиз — олий тоифали математика фани ўқитувчиси Амин Бозоров ана шундай тадбирларда қатнашиш учун шогирдларини аввалдан пухта ўқитадилар. Умуман, лицейимизда ўқитиш ишлари тўғри йўлга қўйилганидан бўлса керак, ҳар йили битирувчи 20 ўғил-қиздан ҳаммаси олий ўқув юртларининг талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлишмоқда.

Аргентинада бўлиб ўтган олимпиадада бизга физика-математика фанлари доктори, профессор Носир ака Ғанихўжаев раҳбарлик қилдилар. У ерда биз ўн бир кун давомида ўнлаб янги дўстлар орттирдик. Шаҳарнинг машҳур ҳайвонот боғида, турли истироҳат боғларида бўлдик.

Олимпиада натижаларига кўра, хитойлик ўқувчилар жамоаси 6 та олтин медаль билан норасмий 1-ўринни, венгрияликлар 4 та олтин ва 2 та кумуш медаль билан норасмий 2-ўринни эгаллашди. Эрон вакиллари гарчи венгрияликлар билан бир хил натижа кўрсатса-да, баллари бир оз паст бўлганлигидан 3-ўринни қўлга киритишди.

* * *

Одилжон ҳужжатларини Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг халқаро иқтисодий муносабатлар бўлимига топширди ва имтиёзли равишда университетнинг талабаси бўлди. Очиқ чеҳрали, меҳнаткаш бу йигит бўш вақтларида адабиёт, футбол ва инглиз тиллари билан ишлашни яхши кўришини айтди. Биз эса унга «Йўлинг ҳамиша ниятингдек оқ бўлсин», дея тилак билдирдик.

Норали АСЛОН, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

БАРДОШ

ёки салкам ярим аср битта мактабда ишлаган Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, 85 ёшли Хосият буви Болтабоеванинг олис ва яқин ҳаётига чизгилар

БАРДОШ деган сўзни ишлатдим. Зотан, Хосият бувининг ўтган умрига назар ташлаб, унинг гоҳида чарогон, гоҳида ташвишли, гоҳида жўшқин, гоҳида аламли ҳаётининг ўзи асли сабр-бардошдан иборат эканлигига иймон келтирдим. Агар бу муштипар аёлнинг тоғдай иродаси бўлмаганида борми? Ҳаммасига юксак ақл, фаҳм-фаросат ва оғир-вазминлик билан эришди. Аммо, булар энди эртак каби қизиқ ва олисдаги хотиротлар, фақат ўртада бир фарқ бор, эртак қайта-қайта айтилади, умр эса бир марталик, холос.

РИВОЯТ: Қалин ўрмон ёқалаб кетаётган сайёҳларни қароқчилар тўсишибди. Ўғрибоши олдинда келаётган фариштадай очиқ чеҳрали аёлни сўроққа тутибди. Сафдошларингнинг бири эринг, иккинчиси ўғлинг, учинчиси аканг экан. Айт, шулардан ёлғиз бирини жонини сақлаб қолай.

Аёл узоқ сукутга чўмибди ва ниҳоят бир қарорга келиб сўзлабди:

— Акамнинг бир қошиқ қонидан кечинг!

Ўғрибоши ҳайрон бўлганини кўриб, аёл изоҳ бериб-ди. Эр ҳам, фарзанд ҳам топилар, бироқ жигар топилмайди.

Аёлнинг донишмандлигига тан берган қароқчилар тутқунларнинг барчасини озод этишибди.

... Хосият буви билан суҳбатимиз давомида шуни англадимки, бу муҳтарам она ўз ҳаётига алоқадор икки воқеадан ҳанузгача болалардай завқланиб юраркан.

БУВИ ҲИКОЯСИ: — Биласизми, мен туғилган пайт отам хирмонда буғдой янчаётган экан. Ўша йили ҳосил мўл бўлибди. Шунинг учун суюнчига борганларга катта совға-саломлар бериб, исмимни Хосиятхон қўйган экан. Ўзиям отам авлоди тоза, улуғ инсонлардан эди. Улар етти бор ҳаж қилганлар. Энг катта бобомлар эса Хўжа Аҳрор валий жаноблари бўлган.

Иккинчи қувончимни сўз билан айтиб адо қилолмайман. Ўйлаб кўринг, ахир мен ҳам шу кунларни кўрмай, мустақиллик замонида яшамай ўтиб кетишим мумкинмиди? Аллоҳнинг иноятига шукрки, раҳматли Султонхон домла (бувининг турмуш ўртоғи, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Султонхон Тўрахонов) кўрмаганига яраша озодлик нашъу-намосини мен кўрдим. Бу гаплар, эҳтимол, ёшларга бироз дабдабали туюлар. Бироқ, биз оз бўлса ҳам ота-оналаримиздан эмин-эркинлик, озодлик ҳақида эшитганмиз, бу ҳикматли сўзларнинг маъносини яхши англаймиз. Ўйлаймизки, ҳурлигимиз, давлатимиз мустақиллиги тоабад, юртбошимизнинг умри узоқ, мартабаси бундан ҳам юксак бўлгай. Мен ўғил-қизлар ва набиралар толеини кўриб туриб, бугунги замонамизга минг марта шукроналар келтиряпман...

Буви ҳақ гапни айтди. Мустақиллигимизни рўзғор халтаси билан қиёсловчилар ҳам йўқ эмас. Ёки лоқайд раҳбар айби билан маоши икки кунга кечикса, дарров шўролар даврини пеш қилгувчилар ҳам топилади. Лекин, назаримда, бу каби иймони суст, ғурури бўш инсонлар гапи дарё сиртидаги кўпикка ўхшайди. Чинакам баҳони буви каби сабр-бардошли, ҳаётни кўрган одамлар беради.

Энди мустақиллик шарофатини 85 ёшли буви ҳаёти билан боғлаб кўрайлик. Айнан истиқлол туфайли, маънавиятимиз улуғлана бошлангани боис унинг турмуш ўртоғи, вилоят халқ таълимининг жонкуярларидан бири, ажойиб ташкилотчи Султонхон Тўрахоновнинг номи абадийлаштирилди. Эндиликда Андижон туманидаги 14-мактаб мана шу мўътабар инсон номи билан аталади.

Энди давомини эшитинг: Бувининг янада суюкли (аслида ўнта набирани барчаси суюкли) набираларидан бири Шаҳлохон Бойқобулова ҳозирда Германия телевидениесининг «Бугунги Европа» телеканалида шарҳловчи бўлиб ишлаб, Ўзбекистонимизнинг бўй-бастини бутун Европа, қолаверса жаҳонга кўз-кўзлаётганига нима дейсиз? Москвадай улкан шаҳарда Ўзбекистоннинг садоқатли фуқароси сифатида ўз ўрни, ўз мавқеига эришаётган дипломат Фарруҳхон ҳам мустақиллик туфайли парвозни баланд олмаяптими?

Ўзбекистон ўзлигини топганлиги учун ҳам бувининг суюкли набираси Нигинахон республикамизда таниқли журналист бўлиб етишди. У немис, инглиз, рус тилларини мукаммал билади. Бир неча марта Германияда хизмат сафарида бўлиб қайтди. Ҳозирги кунда Америка сафарига отланмоқда. У БМТнинг навбатдаги сессиясида журналист сифатида иштирок этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ишлари билан танишади. Яна бир набираси Нодир Қаландаров эса иқтисодчи, Америкада ҳам ўқиб келди. Ахир набираларининг номини, порлоқ истиқболини истиқлолга боғлаб юрагининг туб-тубидан отилиб чиқаётган фахр-ифтиҳор туйғуларини элга ошкора этаётган Хосият буви қалбини тушунмаслик мумкинми? Асло!

МУЛОҚОТ асносида нуроний онахоннинг яна бир фазилатини илғаб олдим. Бу суҳбатдошни толиқтирмаслик, ҳар хил гаплар билан қалбида ғашлик уйғотмаслик хислати эди. Бўлмаса унинг бутун ҳаёти нурли, қувончли кечмагандир. Биллур каби товланиб турган сочларининг ҳар бир қатимига қанча-қанча дарду ҳасрат, азобу уқубатлар яширингандир?! Бир мактабда салкам 50 йил ишлаш осонми? Ахир уч-тўрт йил ишлаб бозорга қочаётганларни ҳам кўриб турибмиз-ку. Болаларга илм маъзини бериш ўрнига уларнинг ота-онасидан умидвор бўлганлар-чи? Йўқ, онахон бу ҳақда тиш ёрмади. Бундай одат унинг беғубор қалбига сингмайди. Ҳаётдан фақат эзғулик қидирган инсон ёмонликни кўрмайди. Борлиқни худди бошланғич синф болаларидай беозор ва покдомон, гўзал ва бокира ҳис этади.

Аслида бувининг тақдири ҳам мой устидаги пичоқдай енгил кечмаган экан. Ўйлаб кўринг, 43 ёшида уч қиз, бир ўғил билан бева қолиб, уларни жамиятга муносиб фарзандлар қилиб тарбиялаш осонми? Ҳам ота, ҳам она сифатида баркамол тарбия берганлиги туфайли тўнғичи Сурайёхон етук таржимон бўлиб етишди. Зинаида моҳир шифокор. Ўғли Лермонхон отаси ишлаган мактабда раҳбар. Кенжаси Раъногон Андижон Давлат университетида ўқитувчи. Бу мурғак болалар ўсиб, улғайиб, элга қўшилиб, бугунги даражага етгунча бўлган машаққатлар, чекилган заҳматларни энди ким ҳам тарозига қўярди.

Ҳаёт изга тушиб, болалари қўш қаноти бўлган кезлари Зинаида оғир хасталикка чалинди-ю, онанинг бақувват юрагига дарз кетди. Лекин у толеидан нолимади, ҳеч кимга дардини айтмади, ҳаммасини тақдири азал деб тушунди.

Ўтган йили яна бир зарбага дуч келди. Ёлғиз ўғли Лермонхон автомобиль ҳалокатидан сўнг, тўшакка михланиб қолди. Арслондай ўғли ўрнидан туролмаганига қараб қанча изтироб чеккани ёлғиз Аллоҳнинг ўзига аён. Лекин қизлари, келини, набираларига қараб, «худога шукр, агар ўғлимни йўқотиб қўйганимда ҳолим не кечарди», дея уларга таскин беради.

МЕН СЕЗДИМКИ, буви ўзгаларга таскин бериб, ўзи сира таскин топмайдиган бардошли аёл экан.

МЕН ЯНА ШУНГА ИЙМОН КЕЛТИРДИМКИ, агар буви очеркимиз бошида келтирилган ривоятдаги ҳолатга дуч келса, оиланинг барча аъзолари ҳаётини асраб қолишга етарли куч-қувват ва ақл-заковатли доно аёл экан.

Ва ниҳоят ЯНА ШУНИ АНГЛАДИМКИ, пайғамбаримиз (С. А. В.) жаннат оналарнинг оёғи остидадир, дея бошорат қилганларида исми ҳам, ҳаёти ҳам, иши ҳам хосиятли бувиларни назарда тутган эканлар.

Шундай бардошли оналар наинки 85 ёш, балки юз ёшни бўйласа ҳам оддий кўринади.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ, «Андижоннома» газетаси муҳаррирининг ўринбосари, Республикада хизмат кўрсатган журналист.

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИДА ЯНГИЛИК

Ҳаммамизга маълумки, янги турдаги ўқув муассасалари Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ташкил этила бошланди. Бу давлатимизнинг иқтидорли, истеъдодли болаларга бўлган эътибори натижасидир.

Ўтган 6 йил давомида янги турдаги ўқув муассасаларининг фаолиятида, илғор иш тажрибаларида сезиларли ютуқларга эришилди. Бу илғор тажрибаларни таҳлил қилиш, ўрганиш, оммалаштириш учун одатда семинарлар ўтказилади. Мазкур йилда эса Андижон ва Қашқадарё вилоятларида янги турдаги ўқув муассасалари ходимларининг анъанавий Август кенгашлари тажриба тариқасида биринчи марта ўтказилди. Ундан кўзланган мақсадга эришилди, дейишга ҳақлимиз.

Энг илғор кўрсаткичларга эришган, илғор иш тажрибасига эга бўлган педагогларимиз маърузалари тингланди. Хусусан, Шаҳрихон туманидаги 22-мактаб директори Машрабжон Ботировнинг ўзига хос кашфиёти — иш тажрибаси кўпчиликда қизиқиш уйғотди. У ўқувчилар билимини аниқлашда имтиҳон олувчи кибернетик машинани ихтиро қилган. Бу илғор тажриба бошқа лицейларда ҳам жорий қилинадиган бўлди. Шунингдек, вилоятдаги 35-лицей ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси Оминахон Омонованинг «Жамиятда ҳуқуқий таълим-тарбия миллий дастури» мавзусидаги чиқиши ҳам таълим ходимларини ўзига жалб этди. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда ҳуқуқ таълими барчанинг диққат-эътиборида. Педагогнинг тажрибасида болалар давлат тузилмаси, конституция, қонунларни ўрганиши асосий ўринда бўлсада, ҳар бир ўқувчига мустақил шахс сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўрганиши аҳамиятлидир.

Қашқадарёда бўлиб ўтган анжуманда эса Китоб туманидаги 1-лицейда ўқувчилар билими ва ўқитувчилар фаолиятини рейтинг мезонлари бўйича диагностик таҳлили йўлга қўйилибди. Бу таҳлил орқали таълим муассасасини бошқариш бўйича ижобий ишлар амалга оширилган.

Тажрибалар муҳокама этилди. Муҳокамалар натижаси ўлароқ икки анжуманда ҳам янги турдаги ўқув муассасалари директорлари кенгашлари қарор қабул қилди. Хусусан Андижон вилоят кенгаши қарорида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси куп тартибига киритилган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» лойиҳалари талаблари асосида академик лицейларда таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилаб олиш, ўқув ишларини мукаммаллаштириш, бунда олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиш, академик лицейларда иқтидорлиларни кўп босқичли, адолатли, ошкоралик руҳида танлов ўтказиш, истеъдодли ўқувчиларни турли илмий жамиятлари, уюшмалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фан олимпиадаларини ўтказиш, ўқувчиларни тайёрлаш ва, албатта, олимпиада натижалари асосида ўқитувчи, лицей фаолиятига баҳо бериш мезонларига амал қилиш алоҳида таъкидланди.

Умуман олганда анжуманлар иши фойдали бўлди. Келгусида бундай кенгаш ҳар бир вилоятда ўтса мақсадга мувофиқ бўларди.

Саодатхон АБДУЛЛАЕВА, Халқ таълими вазирлиги УЎТББ етакчи мутахассиси.

Ta'lim fidoyilari

КЎЧАТ ЭКИБ БОЙИШДИ

Дунёда битмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Бу бежиз айтилмаган, албатта. Имкон қидирган киши янгилик яратади.

Аҳмаджон Менгниёзов 1992 йил Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 6-ўрта мактабга директор этиб тайинланганида, у ерда кўплаб муаммоларга дуч келди. Кўп масалалар уни ҳар томондан чирмаб олгандек эди. Биринчи ўринда ўқитувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳақида қайғуриши лозим эди. Ҳозир шароит шундай. Моддий манфаатдорлик бўлмаган жойда порокандалик юз беради. Бундай пайтда ҳамма ҳам қўшимча пул топиш йўлларини қидиради. Асосий ишга эса бу таъсир қилиши табиий. Шуларни ҳисобга олиб Аҳмаджон Менгниёзов ўқитувчиларни ҳамда ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида мактаб тажриба томорқасида (участкасида) кўчат етиштириб, сотишни йўлга қўйди. Бу орада кўчатларга ҳам харидор орта борди. Кўчат пуллари халқ таълими банки орқали олиниб, мактабнинг кам-кўсти учун ишлатила бошланди. Мана, 4 йилдирки, мактабни таъмирлаш ўз маблағлари ёрдамида амалга оширилмоқда.

Аввалари турли тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказишда маблағ етишмаслигидан қийинчиликлар туғиларди. Кўчат етиштириш йўли билан топилган маблағ бу муаммоларга ҳам чек қўйди.

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур, деган мақол бор. Мактабда кўргазмали қуролларсиз дарс ўтиб бўлмайди. Кўргазмали қуроллар кўпинча ўқитувчилар ва ўқувчилар маблағи эвазига тайёрланар эди. Энди эса бунинг ҳам йўли топилди. Ишлаб топилган пулнинг бир қисми мактабнинг ана шу харажатларини ҳам қоплади.

Бу маблағлар, аввало, ўқитувчиларнинг ҳаракати билан кўпаймоқда. Демак, бундан ўқитувчилар манфаатдор бўлиши керак. Мактаб директори масаланинг ана шу томонларини ҳам эътибордан четда қолдирмади. Ҳар бир ўқитувчининг моддий манфаатдорлигини ошириш учун, намунали ишлаган ўқитувчиларга эса бу ҳиссани яна ҳам кўпайтиришни режалаштирди.

Аҳмаджон Менгниёзовнинг бу ҳаракатлари зое кетмади. Тумандаги 72 та мактаб рейтинг бўйича баллганда 6-ўрта мактаб иккинчи ўринни олди. Ҳозирда мактабда олти фан чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитилаяпти.

Мактабда ҳамма ўқитувчилар ҳам бир хил ишлашмайди. Яхши шогирд тайёрлаган, ўқувчилари туман, вилоят, республика олимпиадаларида ғолиб бўлган ўқитувчилар алоҳида пул мукофотлари билан рағбатлантирилмоқда. Шунингдек, яхши ўқийдаган ўқувчилар ҳам ўз навбатида аълочилар учун белгиланган стипендияларни олишади.

Булар Денов туманидаги 6-ўрта мактаб эришган ютуқлардан бир шингил холос. Агар йўлингиз тушиб бу даргоҳда бўлсангиз жуда кўп ажойиб маориф фидойилари билан учрашишингиз мумкин. Биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби Ҳавохон Жамолова, республика халқ таълими аълочилари Ойсара Ғаффорова, Тошпўлат Болтаевлар мактаб жамоасининг обрўси. Аҳмаджон Менгниёзов эса уларга етакчи.

Ҳидоят ОЛИМОВА.

Izhor

СИЗГА ҲАВАСИМИЗ КЕЛАДИ

Турсунбой Норқулов номи Мирзаобод тумани аҳлига яхши таниш. Сермазмун 60 йиллик умрининг қарийб 35 йилини халқ таълими соҳасига бахшида этди. Чорак асрдирки, тумандаги йирик мактабларнинг бирига раҳбарлик қилиб келаяпти. Кўп йиллик камтарона меҳнати муносиб қадрланиб, «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси», «Меҳнат фахрийси» каби унвонлар билан муносиб тақдирланган. Гапнинг очиғини айтганда, Турсунбой акадаги куч-ғайрат, шижоат, фидойилик ва изланувчанликка бизнинг ҳавасимиз келади. У киши тиниб-тинчимас. Турсунбой аканинг бевосита елиб-югуриши, ташкилотчилиги боис Беруний номли ширкатлар уюшмаси марказидаги эски мактаб ўрнида 624 ўринли кенг, ёруғ фан хоналаридан иборат замонавий билим маскани қад ростлади. Мактаб атрофидаги қақроқ ерлар ўзлаштирилиб, мўъжазгина боғ барпо этилди. Бу серсоя, баҳаво масканда айни кунда бир ярим минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари парваришланмоқда.

Одатда устозни улкан мевали дарахтга қиёслашади. Турсунбой аканинг минглаб шогирдлари жамият ишлаб чиқаришининг турли бўғинларида фаолият кўрсатмоқда. Тумандаги Беруний номли ширкатлар уюшмаси раиси Ўрол Тошмуродов, Ғулистон шаҳар нефть маҳсулотлари корхонаси раҳбари Абдураҳмон Пирматов, туман солиқ инспекцияси бошлиғи Абдуназар Норбоев, Фурқат номли 8-ўрта мактаб директори Абдураззоқ Нурматов у кишининг фахрий шогирдлари. Мирзаобод туманида Турсунбой аканинг сарбаланд ўрни, обрў-эътибори борки, у бош қўшган ҳар қандай юмуш хайрлидир. У киши узоқ йиллар «Нурафшон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Беруний номли маҳаллага ҳам раҳбарлик қилиб, эл-юрт манфаати учун хизмат қилди. Маҳалла ҳудудидаги қишлоқларни табиий газ билан таъминлашда, тоза ичимлик суви келтиришда ва кўчаларга асфальт ётқизишдек савобли юмушларда устознинг хизмати жуда катта. Фақатгина у кишининг елиб-югуриши оқибатида Тўлак, Найман қишлоқлари аҳолиси жуда қисқа фурсатларда табиий газ билан таъминланди.

Турсунбой ака Норқулов серфарзанд ва эътиборли оила бошлиғи ҳамдир. У киши бир-биридан одобли, ахлоқли ўн бир нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб камолга етказди. Ҳаммаси уйли-жойли, бахтли-тахтли. Турсунбой ака 20 нафар невараниинг суюкли бобоси ҳамдир. У киши ва турмуш ўртоғи Яхшигул ая фарзандлари камолидан қувонади. Нетаки фарзандлар ҳаётда ўз йўлини топиб, катта карвон изидан боришмоқда. Қутлуғ 60 ёшини нишонлаётган азиз ва муҳтарам устоз Турсунбой Норқуловга дил истакларимизни бахшида этамиз.

Ҳамза ЭШНАЗАРОВ,
Мирзаобод тумани халқ таълими бўлими мудири.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида юртбошимиз Ислом Каримов Оролбўйи минтақасидаги Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эътиборни қаратишни таъкидлаганди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тумандаги ўқув муассасаларини замонавий компьютерлар билан таъминлашнинг аҳволи қай даражада эканлигини таҳлил қилиб чиқди ва амалий ёрдам сифатида тумандаги 5, 7-ўрта мактабларга ҳамда 4-сон «Шодлик» болалар боғчасига замонавий компьютерлар тўпламини совға қилди. Бундан ташқари вазирлик томонидан ўғил-қизларга китоб, методик қўлланма ва турли хил совға-саломлар ҳам улашилди.

Дарҳақиқат, ёшларимиз жаҳон миқёсида билим даражасига эга бўлиш учун бугунги кунда, албатта, бирор-бир хорижий тилни ўз она тилисини мукаммал билган ҳолда эгаллаб олиши билан бир қаторда компьютер саводхонлигидан ҳам хабардор бўлиши лозим. Шуни назарда тутган ҳолда ўрта мактабларда таълим олаётган ўқувчиларга компьютер саводхонлигини тўла-тўкис ўргатиш мақсадида ушбу хайрли ишга қўл урилди. Аслини олганда бу эзгу ишларнинг ҳаммаси Ватанимиз келажаги бўлган ўғил-қизларни маънавиятли ва маърифатли бўлиб вояга етишларига қаратилгандир.

Компьютерлар тўпламини топшириш тантаналарида Халқ таълими вазирлигининг мактабгача тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Тотлимурод Отамуродов ва бошқалар иштирок этдилар.

Сўнгги сўз ўрнида шуни айтиш мумкинки, юртимиз ўғил-қизлари ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг истеъдодини қадрлаш, имкониятларини юзага чиқариш, она-Ватанимизнинг мард ва жасур фарзандларини тарбиялаш, зарур шарт-шароитлар яратиб бериш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Улуғбек АКТАМ ўғли.
Суратларда: компьютерлар тўпламини текшириб кўриш жараёнидан лавҳалар.
Р. ШАРИПОВ олган суратлар.

Sessiyada aytilgan edi

МЎЙНОҚҚА ЁРДАМ

Куни кеча бир математик дўстим айтиб қолди: «Домламиз Гулмирза ака Худойбергановнинг илмий анжуманда Туркияда бўлиб қайтибдилар». Математикага иштиёқим баланд эмасми, ишни йиғиштириб, янги маълумотлар олиш пайида Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети механика-математика факультетига шошилдим. Бу ерда факультет декани, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, профессор Гулмирза Худойбергановни иш устида учратдим.

O'zbekiston — Turkiya.

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

— **Гулмирза ака, эшитишимизча, сиз яқинда хизмат сафари билан Туркия жумҳуриятида бўлиб қайтибсиз. У ерда қандай анжуманда қатнашдингиз, қолаверса бу мамлакатдан олиб қайтган таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Дарҳақиқат, яқинда Туркиянинг гўзал Анталия шаҳридаги Оқ денгиз университетида математик олимларнинг халқаро анжумани бўлиб ўтди. Анжуман асосан математиканинг йирик тармоқларидан бўлган функциялар назарияси, функционал таҳлил ва дифференциал тенгламаларнинг долзарб масалаларига бағишланди. Бу ерга дунёнинг деярли барча мамлакатларидан 200 га яқин математик олимлар йиғилишиб, уч шўъбада ўзларининг энг сўнгги илмий ишлари ҳақида маърузалар қилишди.

Мен ҳам 2-шўъбада ўзимнинг «Функцияларни соҳа чегарасидан ичига давом эттириш масаласи» мавзуидаги илмий ишим ҳақида маъруза қилдим, мунозара ва суҳбатларда иштирок этдим. Анжуманнинг асосий мақсади янги илмий ишларни бир-бирига маълум қилиш, муҳокама этиш ва янги муаммолар билан танишишдан иборат эди. Бунда қатнашган фундаментал математика соҳасида изланишлар олиб бораётган мутахассислар қатори мен ҳам бу анжуман ишидан юксак қониқиш ҳосил қилдим.

Анталия анжумани менга кўплаб касбдош дўстларим дийдорини кўриш имконини ҳам берди. Оқ денгиз университетида турк бирадарларимиз билан мамлакатимизда олий ўқув юртлари учун нашр этилаётган ўзбек тилидаги математика дарслик ва қўлланмаларини турк тилига таржима этиш хусусида маслаҳатлашиб олдик. Келажакда факультетимиз Франция, Германия, Корея, Америка Қўшма Штатларининг йирик университетлари билан бир қаторда Туркия Жумҳуриятининг Истамбул, Оқ денгиз, Анқара университетлари ва Истамбул техника университети билан ҳам яқиндан илмий алоқалар ўрнатади. Умуман хулоса қилиб айтадиган бўлсам, Туркия сафари мен учун ҳаётимнинг унутилмас лаҳзаларидан бири бўлиб қолади.

— **Домла, айни дамда сизни нималар қувончга тўлишингизга сабаб ва яна нималар ташвишланишингиз боиси бўляпти?**

— Қувончимнинг биринчи сабаби шуки, куни кеча факультетимизнинг уч нафар иқтидорли талабаси «Умид» истеъдодли ёшларнинг қўллаб-қувватлаш ва чет элларда ўқитиш жамғармаси танловидан юқори кўрсаткичлар билан ўтиб, Президент грантларини қўлга киритишди. Мазкур танловда жами 31 нафар талаба қатнашган эди. Жумладан, университетнинг механика-математика факультетидан ҳам 8 талаба иштирок этди. Қувончли жиҳати шундаки, ажратилган уч ўрин ҳам факультетимизда таҳсил олаётган Д. Мадримов, М. Ҳамроев ва М. Раҳимовларга насиб этди. Энди уларнинг иккиси Англия, бир нафари Америка Қўшма Штатлари университетларида таҳсил олишади.

Хурсандчилигимнинг иккинчи сабаби — ҳозиргина Германиянинг Берлин шаҳрида 1998 йил август ойида бўлиб ўтадиган «Дунё математиклари конгресси»га қатнашиш учун таклифнома олдим. Худо насиб этса, конгрессга қатнашиш ниятим бор.

Ташвишим боисига келсак, бировни қўлига пул бериб ёки уриб-сўкиб ҳам математик қилиб бўлмайди. Биз факультетимизга математикага юракдан қизиқадиган ўғил-қизларни янада кўпроқ жалб этишимиз, ўқув жараёнини янада тўғри йўлга қўйишимиз керак. Вилоятларда таълим олаётган энг истеъдодли, математикага ҳаётини бағишлайдиган ёшларни моддий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаб, университет илмий лабораторияларига келтирмоқ зарур. Шундагина мустақил Ўзбекистон математикаси тақдири янада ишончлироқ мутахассислар қўлида бўлади ва у ўзини бор бўйи билан дунё халқларига намойиш этади.

— **Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!**

Суҳбатдош Норали ОЧИЛОВ.

Meros

ТУРКИЙЛАР МАДАНИЯТИ ВА «ҚУТАДҒУ БИЛИГ»

Биз туркийлар ўзига хос маданий тараққиётга эга бўлган халқмиз. Машҳур шарқшунос Н. Гумилев «Древные тюрки» (М., 1967) китобида туркийларнинг беқиёс ва муҳташам маданияти қошида лол қолиб, ўзга халқларни ибрат олишга чорлаганида ҳақ эди. Мисол учун исломиятга қадар туркийларда шундай бир одат бор эди: эрталаб ўрнидан турган фарзанд саломлашиш учун ота-онанинг ўтовига кирарди ва аввал уч маротаба онага рукуъ қилиб, сўнг отага салом берарди. Бундаги «уч» рақамининг туркийларда қуйидагича маънолари бор: кеча, бугун ва эрта. Қуёш, ой ва дунё. Олтин, кумуш ва темир. Вужуд, ақл ва руҳ. Она, ота ва фарзанд. Турк, дунё ва Тангри. Гўзаллик ва Шафқат... Нимаки даврга қараб муҳтарам тутилса, Она унга қиёс қилинарди. Келтирилган одатдаги Она муҳтарамлиги меҳримиз ва маънавиятимизнинг тарихий илдизлари узоқларга бориб тақалишидан далолат. Айни пайтда чинакам маданиятнинг Онага бўлган муносабатдан бошланиши инсоният тажрибасидан маълум.

XI асрнинг турк донишманди Юсуф Баласоғуний «Қутадғу билиг» асарида ана шундай муҳташам туркий маданиятнинг муайян жиҳатларини ҳикмат қилиб кетганди. Турк маънавиятининг бадиий тарздаги кучли инъикоси бўлган — «Қутадғу билиг»нинг туркий дунё маънавиятининг ривожида ва унинг дунёга чиқишидаги таъсирини инкор этиб бўлмайди. Бир пайтлар домла Қаюм Каримов замона зайлидан қўрқиб уни дидактик адабиёт намунаси сифатида тақдим қилганди. Ўшанда (1971 йили) бу дидактика нимадан иборат эканлиги тўлақонли очилмаганлиги учун бугунги кунда «Қутадғу билиг»ни тушуниш қийинлашди. Домла эса кексайиб қолди. Энди домладан дуо олиб, асарнинг янгича талқинини яратмоқ керак. Асарда бир талай масалалар кўтарилган. Биз бу ўринда «Қутадғу билиг»даги туркийлар маданиятига доир нуқталарни шарҳлаб ўтамиз.

Шундай қилиб туркийлар маданияти Онага бўлган муносабатдан бошланар эди. Унда, айниқса, мақсадга етишиш учун фарзандни тарбия қилиш масаласи ғоят даражада қатъий қилиб кун тартибига қўйилганди. «Қутадғу билиг»да ана шу тарбия масаласи жуда диққат марказида туради. Асарда Эзгу Инсон концепциясини баён қилиш Тарбия борасида сўз очиш билан бошланади. Мана Юсуф Баласоғунийнинг бу борадаги бош тезиси:

Киши эсиз эрмас
кишилик эсиз
Эран эсиз кўр,
эрдам эсиз
(Инсон эмас,
инсонийлик камёбдир
Одам эмас,
фазилатлик камёбдир).

Демак инсонийликни бош омил билиш туркий маданият учун хос бўлган мақтовли хусусиятлардан бири. Бу ўша Онага бўлган меҳрдан ўсиб чиққан. Шу сабабли туркий халқлар Тарбия масаласида қатъий бўлганлар. Ҳатто фарзанднинг камолотли шахс (Юсуф уни «Эзгу инсон» деб атайди) бўлиб етишиши йўлида туркийлар, кези келганда қаттиққўлликни ҳам канда қилмаганлар. «Қутадғу билиг»да шундай бир нуқта бор: Ойтўлди вафоти олдидан подшо Кунтуғдига васиятнома ёзиб қолдиради ва ундан Ўгдулмиш тарбиясини ўз зиммасига олишини ўтиниб сўрайди: «Мана мен вафот этаётирман. Ўғлим Ўгдулмиш етим — ота-онасиз қолмоқда. Агар сенда хизматимнинг ҳақи бўлса, ўғлимнинг тарбиясини ўзингга ол. Қараб турма, унга илму ҳунар ўргатгин. Билим ва ҳунар туфайли элга йўл топсин. Хулқи ёқимли бўлсин... Беҳуда ва бўш қўйма, тергаб тур. тергаб турилса фарзанд бахт топади... Донишмандлар демишки:

Кичик эркан
ўргат ўғулқа билиг
Кичигда билиг
билса кўтрур илиг
(Кичик экан ўғилга
билим ўргат,
Билим ила қўли
бўлур баланд).

Боболар номақбул фарзанддан битта қобил фарзандни афзал билишган. Тарбия масаласида қатъий бўлган туркийлар бутун тарих мобайнида давлатчилик шароитида яшаб келди. Бу бежиз эмас, албатта! Қатъий чоралар воситасида тарбия кўрган фарзанд вақти келиб отанинг муносиб вориси сифатида фаолият бошлаган. Диққат қилинг, Ойтўлди тарбия борасида қаттиққўллик қилишни подшодан сўрамоқда! Бугун ҳам тарбияда қаттиққўл бўлишликнинг мен ҳам тарафдориман... Илло, вақти келиб Ўгдулмиш отаси Ойтўлдининг ўрнига подшо Кунтуғдига бош маслаҳатчи бўлади. Шу маънода ўғилни тарбиялаш учун жазо чорасини қўллаш аччиқ тажриба, аммо келажакнинг ширин меваси учун экилган уруғдир. Адибимиз Юсуф Ойтўлди тилидан дейди: (қулай бўлиши учун насрий баён берилмоқда). **«Болага отанинг меҳнати сингган бўлса, сўнг у боланинг хулқ-атворида билинади. Ота болани назоратда тутса у яхши, эзгу бўлади; ота-онасининг юзи ёруғ бўлгай. Агар бола назоратсиз бўлса, ундан умидингни узавер. Ота болани доно ва идрокли қилиб тарбияламоқчи бўлса; уни назоратсиз қолдирмасин. Донолар дейдики, кимнинг ўғилқизи эрка бўлса, шу киши қайғули йиғлайди. Зеро, ота болани кичиклигидан бебош қилиб қўйса, болада гуноҳ йўқ, барча жафо отанинг ўзида... Болани назоратда тутиш — ўзингдан кейин бўладиган кулгининг олдини олишдир. Ўғил-қизга билим ва ҳунар ўргатиш керак, токи улар Эзгу Инсон бўлиб етишсин».** Орият уфуриб турган бу кўрсатмалар ўрта асрларнинг тонготарида битилган эди. Орадан минг йил ўтди...

Ўзлигини ҳурмат қилган, ўзининг абадий қолишлигини истаган Миллат тарбия масаласини ана шундай ҳаёт-мамот масаласи деб билади. Бу сатрлар битилган чоғда исломиятни қабул қилиш натижасида туркийларнинг маиший турмушида ўзгариш бўлаётганди. Аммо Тарбия бобида миллий ўзанларнинг ҳам сақланиб қолишига интилиш қизиқарлидир. Шу ўринда эътиборли бир ҳол: ўлим талвасасида ётган Ойтўлдига ўғли Ўгдулмиш дейди: **«Ота мен сенинг қайғунгни еб куяётирман... Ажал етгач на чора... Сен ҳам дунёнинг бевафолигини билар эдинг. Ўлим барҳақдир...».** Бу тарбия кўрган фарзанднинг, муаллиф айтмоқчи «Эзгу Инсон»нинг отага берган тасаллиси. Шу сабабли Ойтўлди:

Байатқа шукр қилди
артуқ ўқуш
Байат бермиш учун
ўғулқа уқуш
(Худога кўб ва хўб
шукр қилди
Ўғлига уқув-идрок
бергани учун)

Чунки Ўгдулмиш отасига берган бу тасаллиси билан ўзининг эр киши бўлиб етишганини намоён қилганди. «Эр киши» — ҳақиқатга дуч келса унга бўйин эгади, ноҳақликни кўрса кўкка сапчийди. Шу маънода туркийлар маданиятида «эр киши» бўлиб етишиш муқаддас саналарди. Фарзанд ота қаршисида мустақил фикрини баён қила оладими, демак у миллат фидойиси бўлиш учун йўл бошида турибди. (Кейинчалик асримиз бошида Ғарб олимларининг бир гуруҳи бу ғояларни роса олиб қочишди. Энди у Эзгу Инсон (шахс), Эзгу Инсонни отанинг хатоларини ҳам ислоҳ қилишга қодир. Бош мақсад шу эди!

Тарбия — муҳтарам ва улуғ турк маданиятнинг дебочасини ташкил этмиш. Шу сабабли бу масала «Қутадғу билиг»да ҳарорат билан тасвирланган. Кези келганда айтиш лозимки, кўп тадқиқотчилар «маданият» деганда фақат жамоа бўлиб, мақсадли йўналишлар асосида уюшиб ахлоқли яшашни тушунадилар. Бу ўринда шаҳарнинг пайдо бўлишини инсоннинг маданийлашувидаги бош омил сифатида кўрсатиш майли устивор. Ҳақиқатан ҳам инсоният жамоа бўлиб яшаш тарзига ўтгач маданий ҳол тараққий босқичга кирди. Шу маънода XI асрда ҳам туркий халқларнинг муайян доирасида кўчманчилик бўлганлигига киноя қиладилар. Ваҳоланки:

1. Туркий кўчманчиларнинг ўзларида жамоачилик кучли эди. Буни В. Бартольд ҳам тан олган.

2. Туркийларнинг кентлари бугунги шаҳарсозлик ва маданиятчиликнинг ибтидоларидан бири эди. Унда ўзига хос маданий ҳол мавжуд эди.

3. Тарбия борасида қатъий йўл тутиш — кучли маданиятдан далолатдир. Шу сабабли туркийлар кейинги 2 минг йил ичида 6 марта Марказлашган давлат тузадилар.

Шундай қилиб туркийлар маданияти илдизларини фундаментал тадқиқ этишни бошлашимиз лозим. Ўшанда кўп сирлар очилади. Бугуннинг талаби ҳам шу! Агар бугун туркий оламни битта даҳо атрофида бирлаштириш лозим бўлса, бу даҳо шубҳасиз Юсуф Баласоғуний бўлажак!

Абдумалик ЁҚУБОВ.

ХАЛҚАРО МУСИҚА АНЖУМАНИ ЯКУНЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур фестивални ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси Исмоил Жўрабеков ҳамда халқаро танлов ҳайъати раиси Харума Кашиба хоним томошабинларнинг олқишлари остида анжуман ғолибларига фестиваль совринларини топширдилар.

Халқаро ҳакамлар ҳайъати озарбайжонлик Симара Имонова санъатини гранпри — фестивалнинг энг олий мукофотига муносиб, деб топди. Биринчи мукофотга Мунажат Йўлчиева (Ўзбекистон), Шаину Ҳўрана (Ҳиндистон), иккинчи мукофотга Хи Ли (Хитой), Шахрам Назарий (Эрон), учинчи мукофотга Цогтсайхан (Мўғулистон), А. Саможиков (Россия), Рамазон Стамғозиев (Қозоғистон) сазовор бўлдилар. Ҳакамлар ҳайъатининг махсус совринлари Изро Малаков (АҚШ), Кицу Шигари (Япония), Самира Салох ва чолғу дастасига (Миср) топширилди. Фестиваль ташкилий қўмитасининг махсус мукофотига Туркманистон вакили Парахат Шхимов, ЮНЕСКО махсус совринига кореялик Ли Жун А лойиқ топилди. Шунингдек, фестиваль иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси жамоат ташкилотларининг, корхона ва муассасаларининг, Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида қатнашганингиз, муборак ўзбек заминига ташриф буюрганингиз учун сиз, анжуман иштирокчиларига самимий ташаккур билдирди, — деди И. Жўрабеков. — Ўйлаймизки, бу мусиқа байрами иштирокчилар ва санъат ихлосмандлари қалбида ўчмас из қолдирди.

Ҳайъат раиси Харума Кашиба хоним Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга, республика ҳукуматига ҳамда анжуман ташкилотчиларига самимий меҳмондўстлик, хайрихоҳлик ва яратиб берилган шароит учун фестивалда қатнашган санъаткорлар номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларининг ҳар бир куни учрашув ва мулоқотларга бой бўлди. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 6 йиллиги муносабати билан ташкил этилган халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмаси уларнинг эътиборини тортди. Анжуман қатнашчилари Самарқанднинг қутлуғ қадамжолари — Улуғбек расадхонаси, Шоҳизинда, Бибихоним, Гўри Амир ёдгорликларини қизиқиш билан томоша қилдилар. Челак туманидаги имом ал-Бухорий қабрини зиёрат этдилар. Энг муҳими, улар истиқлол шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлардан воқиф бўлдилар. Бағри кенг халқимизнинг юксак маънавияти, бунёдкорлик салоҳияти билан яқиндан танишдилар.

Самарқанддаги энг муҳташам «Афросиёб» меҳмонхонаси фестиваль кунлари янада гавжум бўлди. Бу ерда «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзуида ўтказилган илмий-амалий конференция қизғин фикр ва мулоҳазаларга, ижодий баҳсларга бой бўлди. Конференция қатнашчилари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали анъанавий бўлиб қолиши тўғрисида декларация қабул қилдилар.

Мазкур фестиваль мамлакатимизнинг улкан салоҳияти, халқимизнинг маънавият ва санъатга буюк эҳтиромидан далолат берди. Ўзбекистоннинг умумбашарий қадриятларга, барча халқларнинг маданияти ва санъатига юксак эҳтиром билан қарашини дунё аҳли олдида яна бир карра намойиш этди. Фестиваль боис Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек мусиқаси бутун оламга таралди.

Фестивалнинг расмий ёпилиш маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, Ё. Жалолов, В. Норов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, Б. Ҳамидов, Р. Юнусов, республика маданият ишлари вазири Х. Жўраев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев қатнашди.

(ЎзА).

«Sharq taronalari» xalqaro musiqa festivaliga

НАФОСАТ ОШЁНИГА «ҚИЗИЛЛАР» ТАЖОВУЗИ

Муайян адабиёту тарихий рисолаларда Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхон фақат жаҳолатпараст, ўта зуғумкор, нафосатнинг ашаддий душмани бўлган бир ҳукмдор сифатида акс эттирилиб келинарди... Аслида эса у фақатгина мана шундай феъл-атворли зот эмасди. Амир ижодкор аҳлини севиб эъзозловчи, адабиёт ва санъат намояндаларини қадрига ҳам ета олувчи, ўзига хос нозик дид-фаросатли шахс бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Унинг бу йўсиндаги таърифу тавсифларини машҳур халқ ҳофизи Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, атоқли бастакор Шораҳим Шоумаров, таниқли созанда, Ўзбекистон халқ артисти Имомжон Икромов, жаҳонга довруғи кетган киноактриса Марям Ёқубоваларнинг хотираларидан ҳам англаб олиш қийин эмас. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, созанда ва навозанда Шораҳим ота ҳикоят қилиб беришларича, амир Олимхон нафосат аҳлини — ҳофиз, созанда, рассом, нақкош, бастакор, шоиру ғазалнависларни, қизиқчи, бадиҳагўйларни жуда ҳам севган ва қадрлаган. У ўз саройи атрофига довруғи кенг ёйилган ижод соҳибларини, шу жумладан Левича ҳофиз, Ота Ғиёс, Ота Жалол, Уста Ширин, Домла Ҳалим сингариларни тўплаган ва улар иштирокида санъат намойишлари, ашула базмлари ўтказиб турган. Бундай маъракалар, айниқса, «Наврўз»да кенг қулоч ёзган ва тадбирларга Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Хива, Шероз, Исфахон, Исфаралардан ҳам ажойиб санъаткорлар таклиф қилинган. Саид Олимхон, айниқса, Тўйчи Ҳофиз, Ҳожи Абдулазиз, Назирхон, Саид Аҳмад, Ҳамроқулқори, Абдуқаҳҳор ҳофиз, Абдулло булбуллар хониш санъати ва маҳоратини юксак эъзозлаган...

Шораҳим Шоумаровнинг хотирлашича, асримизнинг 10-йилларида Бухорои шарифда ажойиб ва завқовар нафосат сайли ўтказилган ҳамда унда Саид Олимхоннинг ўзи қатнашган. Бўлиб ўтган ҳофизлар беллашувида Тўйчи ҳофиз, Леви Бобохон, Домла Ҳалим, Ҳожи Абдулазизлар улоқни олиб кетганлар. Бу хонандалардан айримларининг овози, ижро маҳорати бу ерлардан узоқ-узоқларда, хорижий юртларда ҳам яхши маълум эди. Айниқса, «Ҳожи буво»ни (Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловни ҳамма шундай дея атарди) Маккаю Мадина, Бағдод, Теҳрон, Истамбулу Қобулларда ҳам яхши билардилар...

Бухородаги сайилда Тўйчи ҳофиз, айниқса, катта шуҳрат қозонганди, мавлоно Фузулий ғазалига пайванд қилинган мумтоз куй хониш санъати мухлисларида катта таассурот қолдирганди. Машҳур ҳофиз ижро этган яна бир ашуладаги мана бу сўзлар:

Раҳм қил шавкатли султоним,
Чин мурувват чоғидир...

авж пардада янграганида Амир ўта таъсирланиб кетиб, ҳофиз ёнига яқинлашиб: Мулла Тўйчи, тутинг зарбоб чопонингиз этагини, чин мурувват чоғи келди, деб баркашдан бир ҳовуч Бухоро олтин тангасини халқ ҳофизи бошидан сочган ва соҳир овозли хонандага гўзал зарварақ чопон тортиқ этишни буюрган...

Мана шу нафосат сайилида Домла Ҳалим Ибодов ҳам саҳнда жавлон сурди, у сурункасига олтита ашулани айтиб, ўзининг ўткир ҳибзинафасини, турли жилоларга бўйсунадиган ноёб овозини, ҳайратомуз авж-пардаларни сира ҳам қийналмай, бемалол ола билишини, беназир ижро маҳоратини намойиш қилди. Ҳофиз, айниқса, «Ирок»ни ижро этганда тингловчилар қалбини симобдек эритди, хониш санъати мухлисларини лаззат дарёсига чўмдирди... У бу мумтоз ашулани зўр ҳаяжон билан ижро этаркан, бу дамларда ҳам ана ўша доира унга садоқатли ҳамроҳ эди...

Мана шунда нафосат сайилининг навбатдагиси энди 1920 йилнинг сентябрида яна ўша Бухорои шарифда бўлиб ўтиши керак эди.. Амир бу тадбирни амалга ошириш ниятида хазинадан махсус маблағ ажратишни, шаҳардаги майдонда катта, гўзал бир саҳнани бунёд эттиришни ҳам кўзлаб қўйган эди... Афсус, худди мана шу 20-йилнинг кузига келганда Шўролар «қизил империя»сининг саркардаси Михаил Фрунзе бошчилигидаги лашкарлар Бухорони қуршаб олиб, унга ваҳшийларча тажовуз қила бошладилар, кўҳна шаҳарнинг аллақачонлар ноёб тарихий обидасига айланиб қолган гўзал, ҳашаматли деворларини портлатиб, буза бошладилар; замбараклар эса осмонўпар ва антиқа мораларни ўққа тута бошлади; осмонни қора қузғундек ҳарбий самолётлар тўлдирди ва неча асрлардан бери келаётган беназир осори атиқалар устига вайронагир бомбаларни ташлай бошлади... Кучлар тенг бўлмаса-да, бухороликлар ўзларининг жонажон шаҳарларини жони-жаҳди билан муҳофаза қилардилар, амир лашкарлари ҳам Бухорои шарифни ёғийлардан сақлаб қолишга зўр бериб интилардилар... Қарийб 2500 йиллик тарихга эга бўлган бу ошиённи вайронага айлантирмоқчи бўлган XX аср ваҳшийларининг ниятлари ёвузлигини кўрган Саид Олимхон Бухорони сақлаб қолиш ниятида уни зудлик билан ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган эди...

Мадори-замини бўлган Бухорои шарифни бу аҳволга тушиб қолиши Домла Ҳалим Ибодовни зўр ҳаяжонга солди, ташвишлар денгизига ғарқ этди: энди унинг овози мунглироқ тараладиган бўлди, айтадиган ашулаларида маъюслик аломати кучайиб борди, хониш қиладиган қўшиқлари ҳасрат ва ноладан иборат бўлиб қолди, суюкли шаҳрининг ҳоли тақдири унинг қалбида, ижро мундарижасида дилўртар акс-садолар берадиган бўлиб қолди...

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ.

(Давоми бор).

(Боши газетамизнинг 27 август сонида)

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Белгиланган хонадан соат мили бўйича:

1. Бу йил XXV асрлик санаси нишонланадиган тарихий шаҳар. 2. Ўзбекистон Қаҳрамони ижодий ишларининг намуналари жаҳон кўргазмаларида намойиш этилган устоз зардўз. 3. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиль маркаси. 4. Ўзбек олими, шоири, ёзувчиси ва драматурги, «Абулфайзхон» асари муаллифи. 5. Ёшларнинг хорижда илм олишларини қўллаб-қувватлаш республика жамғармаси. 6. Ипак газламаси билан танилган шаҳар. 7. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясидан:

Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган...?...

8. Марказий Осиёдаги водий. 9. Соҳилида Ўзбекистоннинг энг шимолий нуқтаси жойлашган денгиз. 10. Самарқанд вилоятидаги Оқтов тоғида жойлашган вольфрам маъдан кони. 11. «Шашмақом» таркибидаги мақом. 12. Мамлакатимиз жанубидаги нурчилар шаҳри. 13. Тошкентдаги тарихий даҳалардан бири. 14. Шарқда «Ҳисоб» деган тахаллус билан шуҳрат қозонган ўрта аср олими. 15. XIX асрда яшаб ижод этган ўзбек маърифатпарвар мумтоз шоираси. 16. Ўзбекистон халқ ҳофизи, мумтоз қўшиқларнинг ўзига хос ижрочиси бўлган устоз санъаткор. 17. Ўзбек шоири, журналисти ва жамоат арбоби. 18. Самарқанд вилоятидаги туман. 19. Ўзбекистонда халқаро фестиваль бўлиб ўтган санъат тури. 20. Чирчиқ дарёсига қурилган ГЭСлардан бири. 21. Абдулҳамид Чўлпоннинг машҳур шеъри. 22. Марказий Осиёдаги тизма тоғ. 23. Таниқли эстрада дастаси. 24. Ўзбекистонлик бокс «қироли», профессионал бокс бўйича «Олтин камар» соҳиби.

МУАММОНОМА

Аввало қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Мамлакатимиз жанубий сарҳадидаги шаҳар — 8, 19, 4, 14, 9, 13.

2. Ўзбекистон Республикасининг кишиларга ҳарбий ёки хизмат бурчини адо этишдаги кўрсатган мардлиги учун бериладиган олий нишони — 20, 3, 1, 5, 4, 3, 8.

3. Мамлакатимиздаги йирик олтин кони — 14, 7, 4, 7, 2, 8, 5, 15.

4. Жиззах ва Қозоғистоннинг Шимкент вилоятлари ҳудудидаги сув омбори — 21, 5, 4, 22, 3, 4, 3.

5. Халқ сайиллари ва тантаналарда ўтказиладиган миллий чавандозлик мусобақаси — 18, 17, 10, 18, 3, 4, 9.

6. Муҳим тарихий воқеа шарафига тантана ўтказиш учун белгиланган муборак кун — 12, 3, 11, 4, 3, 14.

7. Вақт ўлчови бирлиги — 16, 3, 6, 8, 3.

Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Ундан шоир Азим Суюн қаламига мансуб шеърдан тўрт мисра аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

«ЧОРБОГ» Халқаро

Таълим Маркази

АҚШ таълим ва маданий алоқалар бюроси билан ҳамкорликда ***инглиз тили ўқитувчилари,*** *инглиз тилини ўрганаётган ўқувчи, талаба ва мутахассисларга* ***аудиокассеталар ва ўқув қўлланмаларини*** *таклиф этади:*

Аудиокассета (*) ва қўлланмалар	Нархи сўм
1. World English (нашр. 1—2, 3—4, 5—6)	
a. Student Book	
b. Workbook	
c. Teacher's Book	
d. Аудиокассеталар	
Жами:	
Талабалар ва ўқувчилар учун (a+b+d)	9600
Ўқитувчилар учун. (a+b+c+d)	12000
2. Easy does it 3. Experiencing English*)	790
4. Right Reading 5. The Way it is*)	770
6. The Lighter Side of TEFL*)	700
7. Seven of Note*) 8. Twelve famous Americans*)	920
9. Varieties of American English*)	520
10. Economic Consideration	700

Бизнинг адрес: Тошкент ш. Буюк Ипак йўли к. 167 а, Тел.: 65-41-45 65-71-59, Факс: 67-69-98

Хуллас...

ДИПЛОМНИЯМ ОЛИБ КЕТДИ

Одамлар қизиғ-а? Англиялик Женни Витериж ҳам ана шу қизиқ одамлар рўйхатидан муносиб жой олган. Сабаби, у 83 ёшида «Ўқишнинг эрта-кечи борми» деб институтга ҳужжат топширди. Буни қарангки, бобой ўшанда имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлганди. Яқинда десангиз, 90 ёшида институтни тугатиб, диплом олди. Бевафо фалакни қарангки, отахон ҳозиргина тантанали топширилган дипломини олиб уйига келаётганда автомобиль ҳалокатидан вафот этди. Қизиғи шундаки, диплом марҳум билан бирга кўмилди. Гарчи «у ёқда» диплом ўтмаса ҳам.

БОЛГАРЛАРГА КУЁВ БЎЛСАНГ...

Болгариянинг Етропол деган шаҳрида тез-тез ўтказилиб туриладиган антиқа танлов бор. Бу кўрик-танлов сиз ўйлаганчалик бирор жамоалар ўртасида эмас... ўқувчилараро... яна янглишдингиз, бу беллашув куёвлараро бўлади. Биринчи кун куёвнинг нималарга қодирлиги кўриб чиқилиб, ғолиб куёвларга махсус дипломлар берилади. Сўнгра ғолиблар қайноналарига садоқатда бўлиш учун қасамёд қилади. Эртасига эса иккинчи босқич — кучлилик ва чаққонлик мусобақаси бошланади. Бунда ҳам ғолиблар фақатгина қайнона ва қайноталардан ташкил топган ҳакамлар томонидан аниқланади.

573-ҲАЛҚА

Ҳиндистонлик 25 ёшли Вижай исмли йигит шу кунларда хурсандлигидан тишининг оқини яширолмай юрибди. Йигитчанинг ҳозирча машҳурлиги тан олинмаган бўлса-да, бироқ у жаҳон рекордини ўрнатганлар билан «юмалоқ стол» қила оламан деб ҳаммани безор қилаяпти. Гап шундаки, Вижай сигаретни бир марта тортгач, оғзида тутундан 572 та ҳалқани фалакка йўллай олармиш. Бизнингча, Вижайжон шу тарзда чекиш маҳоратини намойиш қилаверса, яқин кунларда ўзи ҳам 573-ҳалқа бўлиб фалакка йўл олса керак.

Ана шунаҳа гаплар

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 63-ўрта мактаб жамоаси олий тоифали жисмоний тарбия ўқитувчиси **Эркин БУРИЕВ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Хайрулла АБДУРАҲМОН, Алишер НАЗАР.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0596. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6